



## О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 - yil 17 - mart

60-7-0-F/22

Samarqand viloyat hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони билан давлат бошқаруви органларининг “Давлат – инсон учун” тамойили асосида ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси (Э.Ҳамраев) Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этиладиган йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб боровчи Республика мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилиқ гуруҳи таркибига вилоятнинг фаол, кўзга кўринган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг рўйхатини тақдим этсин.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш вилоят жамоатчилиқ гуруҳи (кейинги ўринларда – Жамоатчилиқ гуруҳи) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Жамоатчилик гуруҳи (Э.Ҳамраев)га:

2022 йил давомида Давлат дастури бажарилиши юзасидан тизимли равишда мониторинг тадбирларини амалга оширган ҳолда натижаларини жамоатчилик эшитувлари орқали муҳокама қилиб бориш;

10 кун муддат ичида Жамоатчилик гуруҳининг мақсади, вазифалари ва улар томонидан амалга ошириладиган ишларни ақс эттирувчи тартибни ишлаб чиқиш ва жамоатчилик гуруҳининг биринчи йиғилишини ўтказиш;

фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиб, аҳолини ташвишлантирадиган, ижтимоий норозилигига олиб келадиган масалаларни тезкорлик билан бартараф этишга қаратилган, шунингдек, фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштирган ҳолда жамоатчилик лойиҳаларини амалга ошириш;

вилоят Молия бош бошқармаси билан биргаликда Жамоатчилик гуруҳи аъзоларини қўшимча рағбатлантириб бориш ҳамда жамоатчилик лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни ажратиш бўйича таклифларни киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижросини белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилишига вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари, вилоят бошқарма ва идоралари раҳбарлари масъул этиб белгилансин.

7. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Samarqand viloyat hokimining  
2022 yil 17 martdagi  
60-7-0-F/22-son farmoyishiga  
1-ilova

## Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш вилоят жамоатчилик гуруҳи

### ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
<b>Жамоатчилик гуруҳи раҳбари</b>		
1	Ҳамраев Элёр Махматқулович	“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлими раҳбари, вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси
<b>Жамоатчилик гуруҳи раҳбари ўринбосари</b>		
2	Назаров Фарход Шарипович	Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари
<b>Жамоатчилик гуруҳи аъзолари</b>		
3	Халмурадов Рустам Ибрагимович	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори
4	Тошев Фармон Исхакович	“Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири
5	Рафиков Сухроб Абдугафарович	Вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси
6	Насриев Бадриддин	Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши раиси (келишув асосида)
7	Бердиева Зайнаб Файзиллаевна	Каттакўрғон тумани 20-умумтаълим мактаби директори
8	Абдуллаев Бахтиёр	Ўзбекистон экологик партияси вилоят Кенгаши раиси (келишув асосида)
9	Ихтиёров Мирзо Рустамович	Вилоят телерадиокомпанияси директори
10	Рахматов Фотех Акмалович	Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси вилоят ҳудудий бўлинмаси бошлиғи (келишув асосида)
11	Маликов Достон Орифжонович	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори (келишув асосида)
12	Арипова Мунира Шерматовна	Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раиси (келишув асосида)
13	Пардаев Дилмурод	Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вилоят бўлими раиси (келишув асосида)
14	Орипова Бибисора	“Раҳмдиллик” нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари (келишув асосида)
15	Нажмиддинова Мадина	Самарқанд вилоят “Истикболли авлод” ёшлар ахборот маърифат маркази раҳбари (келишув асосида)

16	Салимова Сайёра Таджиевна	Самарқанд вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари (келишув асосида)
17	Калонов Нуриддин Жўраевич	Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси бўлими раиси
18	Рахмонова Рахима	“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали директори (келишув асосида)
19	Раҳмонов Баҳодир	“Овози Самарқанд” газетаси бош муҳаррири
20	Исрофилова Хурсан	Тойлоқ тумани “Бахшитепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси
21	Кафиев Хушвақт	Самарқанд шаҳар “Машғал” маҳалла фуқаролар йиғини раиси
22	Хонкелдиева Феруза Мусаевна	“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими раиси (келишув асосида)
23	Бабабекова Муҳиба Кличовна	“Адолат” социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг раиси (келишув асосида)
24	Исаков Раҳматулла Анарбаевич	“Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят Кенгаши раисининг 1-ўринбосари (келишув асосида)
25	Усмонов Саидахмад	вилоят Нуронийлар жамоатчилиқ Кенгаши раиси
26	Муҳиддинов Муслихиддин	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори
27	Азизов Фармон Иззатович	Меҳнат фахрийси
28	Муҳаммадқулов Абдушукур	Меҳнат фахрийси
29	Имамова Дилбар Бобоқуловна	Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши фаол аёллар қанотининг жамоатчилиқ асосидаги раиси (келишув асосида)
30	Бобомуродов Салоҳиддин	Меҳнат фахрийси
31	Эшонқулов Зайниддин	Ўзбекистон Муслмонлари идораси вилоят вакили (келишув асосида)

**Изоҳ:** Жамоатчилик гуруҳи таркибидаги шахсларнинг эгаллаб турган лавозимлари ўзгарган тақдирда уларнинг ўрнига янги тайинланган раҳбарлар хизмат лавозими бўйича жамоатчилик гуруҳи аъзоси ҳисобланади.